

Т.ВУЛЬФНИНГ “YOU CAN’T GO HOME AGAIN” РОМАНИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ф.Б.Садуллаев

Катта ўқитувчи, Бухоро Давлат Университети, Ўзбекистон

Аннотация:

Мазкур мақолада XX аср АҚШ модерн адабиёти вакили Т.Вульфнинг сўнгги романи “You Can’t Go Home Again” романи ёзилиш тарихи, ёритилган мавзулар ва ғояси таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: Т.Вульф, роман, тажриба, жанр, сарлавҳа, наср, тадқиқот.

Ҳар бир асар ёзувчи қалбидан отилиб чиқган нидо, ҳиссиётларини жунбушга келтирган сас сифатида дунёга келади. Унда муаллифнинг ички туғёни, кечинмалари, орттирган ҳаётий тажрибалари акс этади. Ҳақиқий ижод намунаси инсон, унинг тақдири, руҳиятидаги жараёнлар, эврилишлар, кўнглининг қат-қатидаги андуҳларини ўзида гавдалантира олгани сабабли йиллар, асрлар давомида оҳори тўқилмай, китобхонлар диққат марказида бўлишда давом этади. М.Бахтин ҳақиқий бадиий кучга эга асарлар мазмуни ҳақида фикр билдириб, шунчаки адабий контекстда “олам” сўзига тегишли, аммо олам билан алоқаси бўлмаган асарлар мавжудлигини қайд этади¹. Унинг эътирофича, бундай асарлар замондош даврий нашрлар саҳифаларида туғилади, яшайди ва ўлади. Т.Вульфнинг “You Can’t Go Home Again” романи том маънода йилларнинг силсиласидан ўз бадиий залворини йўқотмай ўтиб келаётган асардир. “You Can’t Go Home Again” романи 1940-йилда муаллифнинг вафотидан сўнг нашр этирилган мазкур асар “The Web and the Rock” романининг мантиқий давоми саналади. Асарда навқирон ёзувчи Жорж Уэббернинг тақдири, таҳдидга тўла ҳаёти, ҳамшаҳарларининг тазйиқи каби воқеалар акс этирилади, омад пиллапоялари сари кўтарилиб бораётган ёш адибнинг изтироблари, мусофирчиликда ўтказган танҳо йиллари батафсил ҳикоя қилинади. Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳеч бир асар ўз-ўзидан вужудга келмайди. Табиийки, бу роман ҳам носирнинг ўзи гувоҳи бўлган 1920-1930-йиллардаги АҚШда ҳукмрон жамият иллатлари, ўзгарувчан муҳити, жумладан, биржадаги инқироз, халқнинг фаровонликга бўлган ишочининг саробга айланиши каби аҳамиятли воқеалар натижаси ўлароқ ёзилгани асар таҳлили давомида ўз исботини топди. Муаллиф ўз мамлакатадаги иқтисодий, ижтимоий адолатсизликлар билан параллел равишда, дунёда миллатчилик авж олган вазият, хусусан Германиянинг олиб бораётган сийсий ҳаракатларига муносабатини ҳам акс эттиради.

¹ Бахтин М. Вопросы литературы и эстетики. – М.: Художественная литература, 1975. – С. 35.

Маълумки, “You Can’t Go Home Again” Т.Вульф ижодига мансуб сўнгги катта эпик жанрга мансуб асар бўлиб, ҳажман йириклиги эътиборни тортади. Еттита китобни қамраб олган асар мазмунан фалсафий мушоҳадага чорлаши билан аҳамият касб этади. Ҳар бир китобга рамзий сарлавҳалар – “The Native’s Return”, “The World that Jack Built”, “An End and a Beginning”, “The Quest of the Fair Medusa”, “Exile and Discovery”, “I Have a Thing to Tell You”, “A Wind is Rising, and the Rivers Flow” кабилар танланган бўлиб, уларнинг ҳар бирига бадиий вазифа юкланган. Мазкур китоблар яна кичик бобларга бўлиниб, уларни яхлит бир тизимнинг кичик қисмлари, дейиш мумкин. Р.С.Кеннеди тадқиқотида адибнинг асарларига муносабат билдириб, уларга нисбатан “fictional thesaurus” (“насрий қомус”) терминини ишлатади². Адабиётшунос бу жанр ҳақида қуйидагича маълумот беради: “A fictional thesaurus is a long literary work made up of short units in prose or verse in which the parts are joined together by association of ideas rather than by probable and necessary development. It displays a mixture of styles and variations in mood but, taken together, presents a coherent thematic statement or view of life. It achieves unity by its association with the actions of a single character or a closely-related group of characters and sometimes by the voice of a single narrator or spokesman. It may rise to epic dignity by an elevation of style and by a heroic stylization of character along with a thematic reflection of cultural or national customs, values, and beliefs³”. Кўринадики, бу жанрга мансуб асарлар катта ҳажмга бўлиб, кичик қисмларга ажралади. Наср ёки назм шаклидаги бу ижод намуналарида воқеаларнинг анъанавий шаклда ривожланишидан кўра, ўзаро кўплаб тушунчаларнинг уйғунлашуви кузатилади. Бундай асарлар турли бадиий услублар қоришмасини намоён этиб, мантиқий тематик ривоя ёки ҳаёт манзарасини баён қилади. Улар бир қаҳрамоннинг ёки бир-бирига яқин персонажлар гуруҳининг ҳаракатлари билан ўзаро боғланиб, баъзан битта ровий ёки сўзловчи нутқи билан уйғунликка эришади. Бу асарларнинг поэтик қиймати уларнинг услубий юксаклиги ва қаҳрамон стилизацияси билан бирга маданий ёки миллий урф-одатлар, қадриятлар ва эътиқодларнинг мавзуй акси каби омиллар эвазига янада такомиллашади.

Хулоса қилиб айтганда, Т.Вульф “You Can’t Go Home Again” романида ўзининг такрорланмас услуби ва ёндашувини қаҳрамонлар руҳияти тасвирида анча изчил намоён этди. Онг оқими, ички монолог, ҳар бир деталь ва манзара, лирик-фалсафий чекинишлар бу ўзгачаликнинг асосини ташкил этди.

² Thomas Wolfe and the Glass of Time. – USA: University of Georgia Press, 1971. – P. 29.

³ Thomas Wolfe and the Glass of Time. – USA: University of Georgia Press, 1971. – P. 29.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бахтин М. Вопросы литературы и эстетики. – М.: Художественная литература, 1975. – С. 504.
2. Thomas Wolfe and the Glass of Time. – USA: University of Georgia Press, 1971. – P. 169.
3. <http://gutenberg.net.au/ebooks07/0700231h.html>
4. История литературы США. Том II. – М.: Наследие, 1997. – С.827.
5. <https://www.enotes.com/topics/you-cant-go-home-again/characters>
6. Sadullaev, Feruz. "O. Henry-inson ruhiyatining kuchli bilimdoni." ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz) 3.3 (2021).
7. Sadullaev, F. B., and S. O. Kudratova. "THE BENEFITS OF EXTENSIVE READING PROGRAMME IN LANGUAGE TEACHING." Мирская наука 2 (2019): 48-50.
8. Sadullaev, F. B. "THE IMPORTANCE OF GIVING FEEDBACK IN EFL CLASSES." Теория и практика современной науки 11 (2018): 404-406.